



## **БУЮРТМАЧИ:“Андижон нефт базаси” МЧЖ**

**«Андижон нефт базаси» МЧЖ ишчи ходимлари  
учун маҳсус кийим тайёрлаб берувчиларни  
танлаб олиш учун**

### **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Андижон-2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2021 йил 23 апрел №0367-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллӣ Агентлигининг “Харид тартибатомойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

- 1.1 “Андижон нефт базаси” МЧЖ ишчи ходимлари учун маҳсус кийим тайёрлаб бериш.
- 1.2. Танлов обьектини тахминий қиймати – 114 000 000 (бир юз ўн тўрт миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.  
**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 иш куни.
- 1.5. маҳсус кийимларни тикишни бошлаш муддати – аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. “Андижон нефт база” МЧЖ, (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳар, А.Ашуроров кучаси, 10 уй  
Эл. адрес:[andnbuk@inbox.uz](mailto:andnbuk@inbox.uz)
- 2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тегишли лицензия (руҳсатномаси) бор ва тажрибага эга бўлган, барча юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;  
танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки мусодара қилинган ёки хатлаб қўйилганлар ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
- 3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предмети билан жойига чиқиб ўрганиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми билан танишиш, экология текширув учун зарур бўлган маълумот олиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) мурожаат килишга ҳаклидирлар.

#### **4. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА АЛОХИДА ШАРТЛАР**

4.1. маҳсус кийимлар икки ёнида резина торткичли, ички кисми сетка билан копланган ва алохида ички чунтаги бор булиши керак. маҳсус кийим учун фойдаланиладиган материал тури - ЕвроРанги - парламент (код раками 29) Хар бир ишчи ходим учун алохида улчов олинади ва кийимлар уларнинг талабларини хам инобатга олган холда тикиб берилади, кийимларнинг олд ва орка тарафига маҳсус логотип, нур кайтурувчи чизик (отражател) ва ёзувлар туширилади.

4.2. Товарларнинг купчилик ишчи ходимлар учун тикилишини инобатга олган холда, хизмат курсатувчини малакали ишчи ходимлар билан таъминланганлиги, уларнинг иш сифати юкори булишлиги хамда замонавий чеварчлик дастгохлари билан таъминлаангандиги куллабкуватланади.

4.3. таъминотчи корхона томонидан юкоридаги талаблар асосида тайёр тикилган маҳсулотдан намуналар олиб келиш ва уларни ишчи гурух эътиборига хавола этган холда, ўз маҳсулоти такдимотини ташкил этиб бериш талаб этилади

Бош мухандис

Ж.Кутликов

Бош хисобчи

М.Назиров

Бош юристконсульт

А.Акбаров